

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАХОРОВ ПУЛОТЖОН ХУРСАНМУРОДОВИЧ

**ТАРИХИЙ БИЛИМЛАР РИВОЖИДА ШУБҲА ТАМОЙИЛИНИНГ
ИЛМИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АҲАМИЯТИ**

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Қахоров Пулотжон Хурсанмуродович

Тарихий билимлар ривожда шубҳа тамойилининг илмий-концептуал
аҳамияти 3

Қахоров Пулатжон Хурсанмуродович

Научно-концептуальная значимость принципа сомнения в развитии
исторических знаний 23

Qahorov Pulatjon Khursanmurodovich

Scientific and conceptual significance of the principle of doubt in the development
of historical knowledge 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАХОРОВ ПУЛОТЖОН ХУРСАНМУРОДОВИЧ

**ТАРИХИЙ БИЛИМЛАР РИВОЖИДА ШУБҲА ТАМОЙИЛИНИНГ
ИЛМИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АҲАМИЯТИ**

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Fal229 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Бозаров Дилмурод Мирзарасулович
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Саломова Ҳакима Юсуповна
фалсафа фанлар доктори, профессор

Усмонов Фаррух Насирдинович
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «19» 02 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№16 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2022 йил «5» 02 кuni таркатилди.
(2022 йил «5» 02 даги 16 -рақамли реестр баённомаси).



Ш.Ш.Негматова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тарихий онг ва тарихий хотира билан боғлиқ билимларни қайта баҳолаш, универсал ҳақиқатлар таъйиқидан қутилиш, қарашларнинг ўзаро мувофиқлашуви ва ўзаро таъсирлашуви учун асослар топишга ҳамда инсоннинг индивидуаллигини ва ўзига хослигини сақлаб қолишга бўлган интилиш бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда. Зеро, ҳаётий, аниқ асосларга эга бўлмаган тарихий далилларга шубҳа билан қараш муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, тарихий билимларнинг объективлигини таъминлаш ёки тарихий ҳақиқатларни ёритишдаги субъективизм кўринишларини жиддий чеклашда шубҳа тамойилидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида тарихий билимларни ривожлантиришга қаратилган илмий-назарий тадқиқотлар яратилмоқда. Хусусан, ижтимоий-тарихий жараёнлар қайтмаслигининг танқидий рационализм нуқтаи назардан аниқлаш, шубҳани ақл ва тажриба ёрдамида тушунтириш, тарихий билимлар шаклланиш жараёнида хулқ-атвор, мафкуравий ва экзистенциал омилларнинг таъсирини таҳлил қилишга оид тадқиқотлар шулар жумласидандир. Мазкур изланишлар доирасида шубҳа тамойилининг танқидий рационализм нуқтаи назардан аниқлашга доир тадқиқотлар алоҳида ўрин эгалламоқда. Зеро, содир бўлаётган мураккаб ижтимоий-тарихий ўзгаришлар, жамиятнинг янги даврдаги тараққиёт тажрибасини ва инсоният тарихий тафаккурини танқидий томондан тадқиқ қилиш доирасида шубҳа тамойилининг замонавий билимлар ривожигадаги ўрнини илмий асослаш муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда тарихий хотирага ҳурмат, тарихий билимларни ривожлантириш, миллий меросимизни сақлаб қолиш давлатимиз сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди. “Инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан барҳаётдир. Хотира – кечаги ўтмишни, аждодлар ўгитини, миллий меросимизни англашиб турувчи – муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради”¹. Шу маънода, илм-фан вакиллари томонидан тўпланган тарихий билимларни танқидий нуқтаи назардан ўзлаштириш, ихтисослаштирилган тарихий билимларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш ва тарихий билимлар ривожига шубҳа тамойилининг конструктив ва эвристик жиҳатдан аҳамиятини тадқиқ қилиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонлари, шунингдек 2017 йил 24 майдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрельдаги ПҚ-2865-сон “Хотира ва кадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори // Халқ сўзи. – 2017 йил. 5 апрель, № 67 (6761)

ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, 2019 йил 8 апрелдаги ПФ-5465-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Тарихий билимларни баҳолашда шубҳа тамойилининг аҳамияти ҳақида қадимги юнон файласуфлари Пиррон², Тимон, Энесидем, Секст Эмпирик ва бошқалар муҳим эвристик ғояларни илгари сурганлар. Кейинчалик эса Р.Декарт, Д.Юм, И.Кант, Г.В.Ф.Гегель, Б.Рассел³ сингари файласуфлар инсоннинг ирода эркинлиги, тарихий ҳодисаларни баҳолашда танқидий рационализм нуқтаи назаридан ёндашув, шубҳани ақл ва тажриба ёрдамида тушунтириш, тарихий билимларни шаклланиш жараёнида хулқ-атвор, мафкуравий ва экзистенциал омиллар таъсирини атрофлича таҳлил қилганлар.

Тарихий билимда шубҳа тамойилининг истиқболли жиҳатлари хусусида Р.Арон, Л.Морган, Ж.Ф.Лиотар, М.Чоран, Э.Тоффлер, Ю.Хабермас, С.Хантингтон⁴, А.С.Ахиезер, Б.С.Ерасов, В.С.Степин ва бошқа олимлар томонидан яратилган тадқиқотларнинг ўрни беқиёс ҳисобланади. Мазкур олимлар ишларидан маълум бўладики, шубҳа тамойилининг муҳим вазифаларидан бири ижтимоий-тарихий жараёнлар қайтмаслигининг белгиларини танқидий рационализм нуқтаи назардан аниқлашдан иборатдир.

“Шубҳа” сўзи фалсафий адабиётларда “ўхшаш”⁵ маъносида қўлланилади. Яъни, бутун борликдаги шубҳали нарса ўзидан бошқа нарсага ўхшашдек туюлаверади. Унинг аниқлиги эса ақл ва нақл ёрдамида баҳоланади. Шу боисдан ҳам, МДҲ доирасида М.Ф.Румянцева⁶, И.В.Кутикова, И.И.Комиссаров, Е.И.Морохова, С.А.Акбулатов, А.Л.Емшанов, М.В.Губина, Н.Л.Бровцева ва бошқа шу каби олимлар тарихий билимларни баҳолашда шубҳа тамойилидан фойдаланишнинг рационал хусусиятларининг фундаментал характеристикасини атрофлича таҳлил қилиб ўтадилар.

² Гусев Д.А. Античный скептицизм в истории становления научного мышления. – М. Директ-Медиа 2013. – 404 с.

³ Рассел Б. Почему я не христианин. – М.: Из-во АСТ, 2019. – 288 с.

⁴ Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – М.: Из-во АСТ, 2019. – 640 с.

⁵ Пашарина Е. С. Принцип сомнения в философском познании: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Волгоград – 2013. – 24 с.

⁶ Румянцева М.Ф. Источниковедение. – М.: ГУ ВШЭ, 2019. – 688 с.

Мамлакатимизда ушбу тадқиқот мавзусига яқин илмий изланишларни олиб борган олимлар қаторига Н.Жўраев, Н.Абдуазизова, Б.Абдурахимов, А.Жалолов, М.Имомназаров, Қ.Назаров, С.Шермухамедов, А.Очилдиев, Г.Остонова, Д.Раҳимова, И.С.Саифназаров, О.Шарафиддинов, Х.Самибоев, Х.Тожибоева, Р.Фатхуллаев, Қ.Хоназаров, Т.Эрназаров, А.Қурбонмамедов, Т.Қурбонов, Н.Ё.Ғойибов ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Мазкур тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, тарихнинг мазмунига турли-туман далиллар, воқеалар ва одамларнинг ҳаракатлари кириши мумкин, уларнинг таҳлилида эса мавҳумлашган назариялар устувор ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон ёшларининг тарихий онги, ёшлар дунёқараши шаклланишида тарихий онгнинг янгиланиши ва уни янада юксалтириш стратегияси борасидаги муҳим илмий изланишлар С.С.Отамуратов, Д.С.Абдуллажанова, Б.Х.Ходжаев, С.Д.Норқулов М.Н.Меликова, Р.Раҳмонов, Ф.Файзиев Қ.О.Маҳкамов каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган.

Юқорида номлари қайд этилган илмий адабиётлар ва изланишлар таҳлили тарихий билимлар ривожидида шубҳа тамойилининг илмий-концептуал аҳамияти масаласи мустақил тадқиқот объекти сифатида алоҳида олинган ҳолда ўрганилмаганини кўрсатади. Бу эса тадқиқот мавзуининг долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий – тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган ОФ – 07-сон “Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний кадриятлар ва жамият барқарорлиги” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тарихий билимлар ривожидида шубҳа тамойилига оид илмий-фалсафий концепцияларни очиқ бериш ва жамият тараққиётида фойдаланиш бўйича таклиф-тафсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Тарихий билим” ва “шубҳа” тушунчаларига тадқиқот муаллифи таърифини бериш ҳамда уларни бошқа диалектик категориялар билан боғлиқ жиҳатларини илмий асослаш;

тарихий билимлар ривожидида *шубҳа* нафақат инсоннинг шахсий саъй-ҳаракатлари маҳсули, балки объектив билимларни шакллантириш омили эканлигини эпистемологик ва синергетик нуқтаи назаридан ёритиш;

шубҳа тамойили тарихий билим ҳаққонийлигини таъминловчи муҳим омил эканлигини танқидий рационализм ҳамда ақлнинг антиномиялари нуқтаи назаридан очиқ бериш;

тарихий билимлар ривожини баҳолашнинг агностицизм, скептицизм, танқидий рационализм, релятивизм, постмодернизм, плюрализм, пессимизм, нигилизм, анархизм, экзистенциализм, диалектика каби фалсафий йўналишлар билан боғлиқ жиҳатларни асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объектини тарихий билимлар ривожининг *шубҳа* омиллари билан боғлиқ тенденцияларини намоён бўлиш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети тарихий билимлар ҳаққонийлигини фалсафий жиҳатдан баҳолашда *шубҳа* ва *ишонч* ўртасидаги ўзаро монандликни таъминлаш билан боғлиқ тенденцияларни илмий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ва қиёсий таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш ва конкретлаштириш, объективлик, ворисийлик, социологик сўровнома сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшларда миллий-тарихий онг ва тарихий хотирани юксалтиришда чин ҳамда ишончли билим ҳосил қилишга асосланган *шубҳа* тамойилини баҳолаш, танқид каби рационал омиллардан фойдаланиш механизми такомиллаштирилган;

танқидий рационализм таълимотида *шубҳа* тамойили эволюциясининг шаклланиши махсус эпистемологик ҳодиса ва когнитив тамойил сифатида баҳоланиши асослаб берилган;

фалсафий билимлар ривожидида *шубҳа*нинг конструктив (тўлдирувчи) ва деструктив (инкор қилувчи) хусусиятлари эвристик ҳамда методологик натижаларни келтириб чиқариши мантиқий далилланган;

“тарихий билим” ва “*шубҳа* тамойили” тушунчаларининг ижтимоий-коммуникатив характери беқарорлик, ноаниқлик, номутаносиблик, парадокс, эҳтимоллик, кўп ўлчовлилик, нисбийлик категориялари орқали рационализмга асосланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари таълим даргоҳларида таҳсил олаётган талабаларга ўрганаётган билимига нисбаттан танқидий нуқтаи назардан ёндашилиб, объектив баҳолашга имконият берган;

шубҳа тамойили орқали ёшлар тарихий билимини шакллантириш жараёнини фаоллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

тарихий онг ва тарихий билимларни такомиллаштиришнинг долзарб масалаларини *шубҳа* тамойили асосида таҳлил ҳамда тадқиқ этиш, натижаларини умумлаштириш борасидаги муаммолар ва ечимлар юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқотда тарихий билимлар ривожини таъминлашда *шубҳа* тамойилидан самарали фойдаланиш механизмларини янада ривожлантиришга оид тавсиялар баён этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар; хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани,

олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тадқиқотда илгари сурилган концептуал ғоялар ва умумназарий хулосалар миллий-тарихий онгни ривожлантириш ва тарихий билимни ёшлар онгига сингдириш, шунингдек Ўзбекистонда уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлаш тизимини ўрганиш соҳасидаги ижтимоий-фалсафий билимларни илмий-услубий жиҳатдан такомиллаштирилишида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган тавсиялар ва таклифлардан давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг фаолият йўналишлари, мақсадларини белгилаш ва ташкил этишда, хусусан, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агенлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, сиёсий партиялар қошидаги ёшлар қаноти, ёшлар ННТлари фаолиятини такомиллаштиришда, давлат ва ёшлар мулоқотини фуқаролик жамияти талаблари асосида олиб боришда, шунингдек мавзуга оид дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тарихий билимлар ривожидан *шубҳа* тамойилининг илмий-концептуал аҳамиятини аниқлаш доирасида ишлаб чиқилган илмий-фалсафий тавсиялар ва таклифлар асосида:

миллий тарихий онг ва тарихий хотирани юксалтиришда шубҳа тамойилидан фойдаланишнинг рационал омилларини ривожлантиришга қаратилган илмий янгилик ҳамда таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар” номли ўқув қўлланманинг “Миллий ўзликни англаш ва миллий ғурурнинг ўсиши демократик ўзгаришларнинг қонуний оқибати” деб номланувчи 6-бобининг “Миллий ўзликни англаш тушунчасининг мазмун-моҳияти”, “Миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг ўзаро алоқадорлиги” деб номланувчи мавзулари ва 12-бобининг “Шаън тушунчасининг маъноси”. “Миллат шаънини юксалтириш имконлари ва тарихий заминлари”, “Миллат шаънини қадрлаш замон талаби сифатида. Миллат шаънини юксалтиришда миллий қадриятлар ва миллий муносабатларнинг роли” деб номланувчи мавзуларини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 августдаги 89-03-2760-сон маълумотномаси). Натижада, илгари сурилган таклиф ва тавсиялар ўқув қўлланманинг назарий жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилган;

фалсафа тарихида *шубҳа* тамойилининг эволюцияси ва шаклланиши танқидий рационализм нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, унинг махсус эпистемологик ҳодиса ва когнитив тамойил сифатидаги тизимли таҳлили берилган таклиф тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий фалсафий ва бадиий лингвистик тадқиқи” мавзусидаги БМБ Ф – 1003 рақамли фундаментал давлат грантини амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил

21 августдаги 03/011-712-сон маълумотномаси). Натижада, миллий тарихий онг ва тарихий хотира, миллий ва умумбашарий тарихий кадриятларни ўрганишнинг концептуал механизмлари такомиллаштиришга хизмат қилган;

фалсафий билимларда шубҳанинг конструктив ва бузғунчи хусусиятлари очиб берилиб, унинг эвристик ва услубий имкониятларини объектив баҳолашдаги таклиф ва хулосалардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2019 йил 1 ноябрдаги VI Съездида тасдиқланган “Самарқанд вилояти кенгашининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастури” лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2020 йил 10 сентябрдаги 01-238-сон маълумотномаси). Натижада, тақдим этилган таклиф ва тавсиялар партиянинг тарғибот ва ташвиқот ишларида самарали фойдаланилган ва тарихий билимлар ривожини объектив, холисона баҳолашга асос бўлган;

фалсафий ва қиёсий таҳлил қилиш асосида “тарихий билим” ва “шубҳа тамойили” тушунчаларининг мазмунига аниқлик киритилиб, уларни беқарорлик, ноаниқлик, номутаносиблик, асимметрия, сакраш, парадокс, имконият, эҳтимоллик, кўп ўлчовлилик, чексизлик, номувофиқлик, нисбийлик ва бошқалар категориялар билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги таклиф-тавсиялардан “Жаҳон фалсафаси қомуси”ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг 2020 йил 17 ноябрдаги 19-сон маълумотномаси). Натижада, тақдим қилинган диссертация маълумотларидан ушбу йўналишда фойдаланилгани китоб мазмунини бойитишга ва бу борадаги маълумотлар олимлар, тадқиқотчилар, фалсафа илмига қизиқувчиларнинг фалсафий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларидан маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (6 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти, амалиётга жорий қилинган, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган. Улар ОАК талабларига мос тарзда расмийлаштирилган.

Диссертациянинг **“Тарихий билим ва шубҳа тамойилини ўрганишнинг фалсафий-методологик асослари”** деб номланган биринчи боби уч параграфдан иборат. Мазкур бобнинг **““Тарихий билим” ва “шубҳа тамойили” тушунчаларининг фалсафий мазмун-моҳияти”** деб номланган биринчи параграфида илмий-назарий адабиётлар ўрганилган, “тарихий билим” ва “шубҳа тамойили” тушунчаларининг фалсафий талқини, уларга тадқиқотчининг изоҳи, муносабати ва таърифлари келтирилган.

Ҳозирги даврда тарихий билим ҳақидаги илмий билимларнинг чуқурлашиб бориши уларнинг моҳияти борасида турлича талқинларни келтириб чиқармоқда. Мазкур ҳолат турли фанлар доирасида эришилган илмий изланишлар натижаларига таянган ҳолда, ушбу тушунчалар мазмунига аниқлик киритиш, илмий асосланган таърифларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Тарихий билим, табиийки, тарихий воқеликни тасвирлашнинг рационал шаклидир. Тарихий билим деганда ўтмишдаги маълум бир воқеликни ўрганишлар жараёнида олинган, амалиётда исботланган ва мантиқан асосга эга натижа, ушбу воқеликнинг инсон онгида тушунчалар, тасаввурлар, назариялар, мулоҳазалар, сифатида тасвирланиши тушунилади. Чунки ҳар қандай халқнинг ўз тарихи ҳақидаги билимлари, хулоса ва баҳолари ўзга халқлар тарихи ҳақидаги тасаввурларидан, уларни ўрганиш, қиёслашдан ташқарида шаклланади. Тарихий билимнинг қарор топиши бу қайтмас ўзгартиришлар, тасодифий ва иккинчи даражали ҳодисалар билан чекланмайди, балки реалликни ўлчашнинг барча асосий ўлчамларини қамраб олади, яъни бошқача айтганда, ижтимоий ҳаётнинг қонунлари тарихий ва унинг қонуний анъаналари ҳам тарихий ўзгаришларни ўзида мужассам этади. Тарихий билимлар ривожидан *шубҳа* тамойилидан самарали фойдаланиш борлиқни билиш усуллари ва натижаларининг ҳаққонийлигини таъминлашда устувор аҳамият касб этади. *Шубҳа* – бу тарихий воқеликнинг мазмун-моҳиятини тушунишда ҳар қандай олим ёки тадқиқотчи дуч келадиган онгли муносабатдир. Бу билан биз шубҳа деганда инсон тафаккуридаги ўзига хос ижодий учқунни тушунсак мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни шубҳа тарих ҳақида ҳаққоний билим олишга даъвогарликни танқидий текшириш имконини берувчи муҳим фалсафий қоида ҳисобланади. Зеро, фанда методологик шубҳанинг йўқлиги ундаги билимлар догматизмига олиб келади. *Шубҳа* ёрдамида инсон ўзининг онг орқали ўзгарувчан тарихий воқелик ва жараёнларни тез фарқлайди ва уларга мослашади. *Шубҳа* тарихий билимларни янгидан ривожлантиришда объектив ва ишончли маълумотни излашнинг ажралмас зарурий шарт сифатида қабул қилинади.

Диссертациянинг биринчи бобининг иккинчи параграфи **“Тарихий билим ривожининг фалсафий илдизлари”** деб номланган бўлиб, ушбу параграфда тарихий билим ривожининг фалсафий илдизларининг таркибий-функционал боғлиқлиги, тарихий билимнинг позитивистик, эпистемологик асосларига релятивизм ва презентизм ғоялари нуктаи назардан ёндашиш,

жаҳон тарихшунослигида тарихий билим тўғрисида айрим файласуфларнинг хилма-хил фикрлари таҳлил қилинган.

Бугунги кунда ёш авлод кечаги кунга қараб эртанги кунини тасаввур қилади. Ўз ақлий салоҳияти юксалиб, янгиликларга қўл урса-да, уларнинг шакл-шамойили миллийлик қолипларидан четга чиқмаган тарзда амалга оширилади. Бу жараён эса, инсоннинг онги билан чамбарчас боғлиқ. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, “башарти, асрлар қаърига кириб борилса, онг сирини очган биринчи “детектив” Платон бўлган”⁷. Платон онг муаммосини ўзининг “ғор образи” таълимоти орқали очиб беради. Унга кўра, бизнинг сезгиларимиз буюмлар ҳақида ҳақиқий билим бермайди. Улар фақат биз аввал бўлган “ғоялар олами”даги ҳақиқий билимларни эслаш учун туртки бўлади⁸. Бизнинг назаримизда, тарихий билим турли халқ, миллат ва элатларнинг тарихи, асрлар давомида тўплаган тажрибаси, юксак билим ва тасаввурлари асосида шаклланган қадриятлари, моддий ва маънавий маданиятида акс этади. Бу эса, унга тарихий билимнинг ўзига хос маҳсули сифатида қараш имконини беради.

Тарихий билим – тарихий воқеликни акс эттиришнинг ўзига хос шакли. Тарихий билимнинг эмпирик, назарий сингари даражалари мавжуд. Тарихий билимнинг бу даражасида тарихий фактларни атрофлича таҳлил қилиш, тажрибада исботланган билимлар орқали текшириш ва айти шу тарихий воқелик тўғрисида янги ғояларни ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлади. Тарихий билимнинг асосий вазифаси манбада қайд қилинган янги билимларни эгаллаш, шунингдек манбада бевосита қайд қилинмаган янги билимлар ҳақида тасаввурни орттиришдан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда, тарихий билимнинг вазифаси тарихий жараёндаги мунтазамликларни тушунтириш, унинг ривожланишини моделлаштириш ҳисобланади. Бу жараёнда баъзида тарихий билим ўрнини тарихий ҳақиқатдан йироқ мафкуравий мақсадлар эгаллаши ҳам мумкин, бироқ унинг асл фанга алоқаси йўқ бўлади. Чунки тарихий билим ва билим ижтимоий онг шакллари бўлганлиги сабабли, уларнинг функциялари (яъни вазифалари, усуллари ва натижалари) ижтимоий жараёнлардаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Диссертация биринчи бобининг учинчи параграфи “**Замонавий тарихий билим ривожда шубҳа тамойилининг намоён бўлиш шакллари**” деб номланган бўлиб, ушбу параграфда замонавий тарихий билим ривожини, *шубҳа* тамойилининг келиб чиқиши, намоён бўлиш шакллари назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Шубҳа ўз моҳиятида дунёни рационал ва интуитив идрок қилишни уйғунлаштирган энг муҳим тушунчалардан бири ҳисобланади. *Шубҳа* феноменининг таҳлили фалсафада ҳал этилиши зарур бўлган биринчи даражали муаммоларни бир махражга тўплайди. Мисол учун, объектив олам воқелигида *шубҳа*дан устун келиш классик муаммо саналади. XXI асрда

⁷ Юлина Н.С. Тайны сознания: альтернативные стратегии исследования. // Вопросы философии. – Москва, 2004. – №10. – С. 126.

⁸ Платон. Государство. // Сочинения. в 3 томах. – Москва: “Мысль”, 1971. Т.3. Ч.1. – С. 318-325.

шубҳа ўзини инсон фаолиятининг имкониятларига нисбатан намоён қилмоқда, инсон фаолиятини бошқариб турувчи билимлар, кадриятлар йўсини ва натижаси сифатида қад кўтармоқда. Замонавий маданият ўзининг ранг-баранглиги, плюралиزم ва қарама-қаршилиги билан ажралиб туради. У динамик, унинг мураккаб информацион феномен сифатидаги таъсири кундан-кунга кучайиб бормоқда.

Фалсафий ишонч иррационал ҳодиса эмас, балки у билмаслик билан боғлиқ синалмаган билим ҳисобланади. Билмаслик фалсафий ишонч туфайли тафаккурдан ташқаридаги ўзгача объектив борлиққа олиб келади. Фалсафий жиҳатдан фикр юритган ҳар қандай инсон мавжуд муаммонинг асл моҳиятига танқидий ва *шубҳа* билан қарамасдан кимнингдир илгари сураётган фаразини тўғри деб қабул қилиши доимо тўғри бўлавермайди. Фалсафий жиҳатдан фикр юритаётган ҳар қандай инсон баъзан ўз фикрларига ҳам *шубҳа* билан қараш орқали асл ҳақиқатнинг мазмун-моҳиятини англаб етади. Ишончнинг вазифаси билимлар асосини мустаҳкамлашдир, *шубҳа* эса билимда муаммоли майдон мавжудлигини юзага келтиради. *Шубҳа* ва *ишонч* мазмуни интеллект томонидан ҳукмлар тизими сифатида ишлаб чиқиладиган билиш жараёнини йўналтиради, *ишонч* барқарорликни таъминлайди, *шубҳа* эса бунга жўшқинлик ато этади. Илмий тадқиқотда *ишонч* ва *шубҳа* ўзини бошқача намоён этади. Тадқиқотнинг бош мақсади янги ҳақиқий билимлар бўлгани учун ҳам *шубҳа* биринчи ўринга чиқади. *Ишонч* ва *шубҳа* муносабати тадқиқотни ҳақиқий билимлар олишга мослаштирадиган муайян жараён ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ҳозирги даврда тарихий билим ва шубҳа тамойилини такомиллаштиришнинг фалсафий омиллари**” деб номланади. Бобнинг биринчи параграфи “**Шубҳа тамойили тарихий билим ҳаққонийлигини таъминловчи омил сифатида**” деб номланиб *шубҳа* орқали танқидий фикрлаш, танқидий тафаккур қилиш ва ҳар бир ўзлаштирилаётган билимга танқидий ёндашув хусусиятлари таҳлил этилган.

Кишилиқ жамиятининг янги даврдаги тараққиёти тажрибаси тафаккурнинг танқидий турига кескин бурилишнинг муқаррарлигини тасдиқлади. Ривожланишнинг замонавий тури ўзгача сифатга эга танқидий ёндашувга эҳтиёж сезувчи бутунлай янги реалликни туғдиради. Шунинг учун ҳам, *шубҳа* ва танқидий тафаккур замонавий жамият тараққиётининг энг муҳим омилларидандир. Замонавий фалсафий билишнинг асосий ўзига хослиги билим ва дунёга нисбатан танқидий муносабатдир. Чунки турли даражадаги ғайриилмий қарашларнинг таъсири илмий онгнинг емирилиш жараёнини бошлаб берди. Бу жараёнда замонавий методологик ва фалсафий онгда янги методологик анъанани яратишга уринаётган танқидий рационализм ўзига хос ўрин тутади. Бироқ “мифологик ижодиёт даврида инсон ўзлигини била бошлаган яъни “Мен”ни табиий ҳодисалардан ажралиб чиқиши юзага келган. Инсон ўзлигини англай бошлаганидан бошлаб ўзини шахс сифатида жамиятдаги ва тарихий тараққиётдаги ўрнини билишга қизиқа бошлайди. Айтиш мумкинки, бу бевосита тарихий онгни пайдо

бўлишини онтологик хусусиятидир”⁹.

Шу боисдан ҳам, тарихий билимлар ривожда *шубҳа* тамойилидан самарали фойдаланиш борлиқни билиш усуллари ва натижаларини ҳаққонийлигини таъминлашда устувор аҳамият касб этади. Ўз навбатида, бугунги кунда тарихий билимларни холисона тамойиллар асосида юксалтириш орқалигина миллий тарихимизни дунёга намойиш этишимиз мумкин бўлади. Бунда, айниқса, буюк аждодларимизни кўрсатган маънавий жасоратини объектив баҳолаб, янги миллий тарихий тафаккур парадигмасини шакллантириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи **“Тарихий билим ва шубҳа тамойилини баҳолашда онтологик ва эпистимологик ёндашувнинг аҳамияти”** деб номланиб тарихий билим ва шубҳа тамойилини баҳолашга онтологик ва эпистемологик ёндашувларнинг характерли жиҳатлари изоҳланади.

Инсоннинг тарихий билимлари ўтмишдаги ижтимоий-тарихий амалиёти ривожланишига боғлиқ мавжуд билимлар билан зиддиятга киришмаслиги керак. Турли онтологик концепциялар бу тарихий билимлар ҳаққонийлигини таъминлаш мезонини турли даражада қаноатлантиришини яхши билганлар. Тарихни билишдаги юзаки тарзда шакллантирилган *шубҳа* тамойили кўр-кўрона фанатизм каби тарих ҳақидаги билим ва тажрибаси тор одамларда кўп учрайди. Ф.Ларошфуко таъбири билан айтганда, “калтабин одамларгина ўз билим ва тажрибаси доирасидан четга чиқадиган ҳамма нарсани қоралайди. Бироқ оқилона даражада шакллантирилган шубҳа тамойили тарихий ҳақиқатларни асл табиатини ёритиб беришда фойдали ва ҳатто, зарур”¹⁰. Шу боисдан ҳам, тарихий билиш усули сифатида скептицизм шубҳа шаклида амал қилади, бу эса тарихий ҳақиқатларнинг тагига етиш сари ташланган илк қадамдир.

Файласуф олимлар фикрича, инсон ақли, унинг сезгилар даражасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва тартибга солиш қобилияти энг аниқ, муҳим тарихий билимларни ривожланиш манбаи ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, ақл тарихий билим ва *шубҳа* тамойилини мустаҳкамлашнинг энг ишончли воситасидир. Бундай ақл элагидан ўтган тарихий билимлар нафақат инсонга тарихий воқеликлардаги энг аниқ мўлжалларни, кундалик ҳаётда мустаҳкам таянчга эгалик туйғусини беради, балки асл тарихий воқеликни ҳаққонийлик мезони асосида тиклашга ёрдам беради.

Диссертациянинг иккинчи боби учинчи параграфи **“Замонавий тарихий билим ривожда шубҳа тамойилидан самарали фойдаланишнинг рационал омиллари”** деб номланиб, унда замонавий тарихий билим ривожда *шубҳа* тамойилидан фойдаланишнинг текшириш, билим, танқид, баҳолаш, хато, исбот, тасдиқ каби рационал омилларини ривожлантириш зарурлиги мантиқий асосланган.

⁹ Спиркин. А. Происхождения сознания. – Москва, 1960. – С.11.

¹⁰ Мишел Монтен, Франсуа Ларошфуко. Скептицизм – оружие разума. (из книги «Опыты»). Перевод с французского: А.Бобович и др., «Издательство Родина», 2021. – С.203

Шубҳа тамойилини кўриб чиқиш модели тўла мукамалликка даъво қилмаса-да, *шубҳа* феноменининг йўқ ердан пайдо бўлмаганлигини, сунъий эмаслигини, балки фундаментал фалсафий гносеологик тамойил эканлигини тасдиқлаш имконини беради. Чунки олиб борилган тадқиқотимиздаги тарихий билимларнинг танқидий таҳлили *шубҳа* тамойили намоён бўлишининг асосий жиҳатларини аниқлашда қўл келади. Замонавий фалсафада *шубҳа* классик анъанадагидан кўра муҳимроқ аҳамият касб этади. У нафақат билиш кууроли, балки у аксиологик, экзистенционал, маънавий, онтологик мақомларга эга бўлади. Бу тамойил шунчалик радикал тарзда амалга ошириладики, инсоннинг дунёда мавжудлигининг ўзини *шубҳа* остига олинади.

Шу билан бирга, *шубҳа* мантикий антиномия бўлиб, ўзининг илдизи сифатида объективлик зиддиятни, қаршилиқни олиб қарайди, десак бўлади. Шубҳанинг ўзига хослигини субъектнинг билишга, объектга, ўзининг принципларига қатнашиб беради. Яъни, *шубҳа* инкорнинг мумкин бўлишлиги сифатида, тафаккурнинг ҳаракатини, янги йўналишга ўтишини таъминлайди. Янги фалсафий анъана Шопенгауэр ва Ницше томонидан *шубҳа* тамойилини юксак даражага олиб чиқилганлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Диссертациянинг учинчи боби “**Замонавий тарихий билимлар ҳаққонийлигини таъминлашда миллий маданий мерос ва миллий ўзликни англашнинг аҳамияти**” деб номланади. Мазкур бобнинг биринчи параграфи “**Тарихий билимлар ривожланишида миллий-маданий мероснинг ўрни**” деб номланиб тарихий билим ижтимоий субъектнинг маданий-тарихий жараёнга киришини таъминловчи омиллари таҳлил этилган.

Тарихий билимлар ривожи билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун *шубҳа* тамойилининг танқидий усуллари ва эмпирик воситаларини самарадорлигини ошириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Тарихий билимнинг тор доирадан ташқарига чиқиб, тарихий онг ва тарихий хотира билан бир қаторда мураккаб, тизимли, кўп функцияли ҳодиса сифатида, махсус таълим билан бирга турли шаклларда мавжуд бўлган ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида қаралиши, *шубҳасиз*, таълим-тарбия тарихининг уфқларини янада кенгайтиради. Дарҳақиқат, тарихий ўлчов инсон ижтимоий-маданий жиҳатдан мавжудлигининг асосий хусусияти унинг ўзгарувчанлигидир. Ўтмиш йўлини белгилаб, инсон ўзининг ижтимоий-маданий сифатини ҳам, унинг ҳақиқатини ҳам англайди. Шу тариқа, у ўзини ижтимоий жараён билан идентификация қилади. Тарихий билим ижтимоий субъектнинг маданий-тарихий жараёнга киришини таъминловчи омиллардан биридир. Шу ўринда, таъкидлаш керакки, *шубҳа* тамойили тарихий билимнинг ўзида сифат жиҳатидан ўзгаришни англатади, буни биз айни шу танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида тарихий билимнинг бирёқламаликдан халос бўлиб, бошқача йўналиш олиши билан изоҳлашимиз мумкин.

Инсон ўз тарихий билимига эга бўлмасдан туриб, мамлакати, халқи, миллати ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларнинг моҳиятини

тушуниб етолмайди. Тарихий билимни шакллантиришда халқимиз орасидан етишиб чиққан улуғ алломаларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссалари билан таништириш, буюк тарихий воқеаларни ёдга олиш, воқеаларни баён қилишдаги бирёқламачиликка, сохта ғайриилмий қарашларга зарба бериш, аждодларимиз яратган маданий меросни ҳар томонлама ўрганиш муҳимдир. Аждодлари яратган тарихий маданий мерос билан танишар экан, инсон тафаккурида тарихий давр ҳақида тасаввур ва тушунчалар пайдо бўлади. Бу унинг кўз ўнгида ўтмишни бор бўйи билан тасаввур этишга, воқеалар ва жараённинг тўғри идрок этилишига ёрдам беради.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи **“Замонавий таълим тизимида ёшлар онгига ҳаққоний тарихий билимларни сингдиришнинг ўзига хослиги”** деб номланиб, замонавий таълим тизими ҳар бир ёш авлоднинг тарихий онгида келажакдаги ривожланиш вариантларини излаш унинг ўтмишдаги тарихий билимларини *шубҳа* тамойили асосида конструктив баҳолашга боғлиқ бўлган муаммолар таҳлил қилинган.

Таълим соҳасида ўтмиш, бугун ва келажакнинг яхлит, бир бутунликда ўрганилиши, ёшларда ўтмишни объектив баҳолаш, бугунги кун воқелигини тўғри тушуниш ва келажакни прогноз қилиш имконини беради. Мазкур жараёнда тарихни англашда инсоният тақдирининг муштараклигини инобатга олиш лозим.

Тарихий воқеаларни билиш асосида кишиларда ўз халқи ўтмишига нисбатан ҳурмат, муҳаббат туйғулари шаклланади, ёшлар ота-боболарининг қилган ишлари билан фахрланишни ўрганадилар, шу асосда миллий ифтихор сингари етук маънавий фазилатлар шаклланади, миллий онг ўсади, дунёқараш мустаҳкамланади. Зеро, “тарихий онг ижтимоий онг шакли бўлиб, жамият томонидан ўзининг келиб чиқиши ва замондаги ўрни, ўтмиши, бугунги куни ва келажакдаги ўртасидаги алоқадорликнинг англаниши, ижтимоий воқеликнинг объектив идрок этилишидир”¹¹. Тарихий билим орқали эса ёшларда ўз халқи ва жаҳон халқлари маданий-тарихий меросига инсоний муносабатда бўлиш туйғуси шаклланади. Тарихий билимнинг шаклланиши бир қанча ижтимоий омиллар асосида амалга ошади. Таълим улар орасида, муболағасиз, асосий ўрин эгаллайди.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи **“Миллий ўзликни англаш ва тарихий билимларни ўзаро алоқадорликда ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари”** деб номланиб ҳозирги глобаллашув жараёни кетаётган бир даврда тарихий онг баркамол авлод шаклланиши ва комил инсон тарбиясида асосий ўрин тутиш шартлари талқин қилинган.

Тарихий онг “илгари содир бўлган тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган турли-туман манбалар, ашёлар авлоддан авлодга мерос сифатида ўтиб, тарихимиз, маданиятимизнинг узлуксизлигини таъминлайди”¹². Таълим жараёнида тарихий билим шакллантиришга етарлича эътиборни қаратмаслик ўзининг салбий оқибатларига олиб келиши мумкин. Тарихий фактларни

¹¹ Абдуллажанова Д. Тарихий онг ва тарихий хотира. // Фалсафа ва ҳуқук. – Тошкент, 2004. – № 2. – Б.83.

¹² Туленов Ж., Жабборов И. Тарихий онгни ривожлантириш – давр талаби. – Тошкент: “Меҳнат”, 2000. – Б.7.

ўқувчи ёшларга тушунтиришда бир ёқлама, субъектив ёндашув ҳозирги экстремизм, миллатчилик, фундаментализм, неофашизм, ксенофобия каби жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи омилларни ёшлар онгида осон сингишига замин яратади. Бу эса, талабаларда тарихий билимни шакллантириш орқали мафкуравий иммунитетни вужудга келтиради.

Шундай қилиб, мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган барча ислохотлар ҳар томонлама уйғун ривожланган шахсни шакллантириш ва камол топтириш учун, шу жумладан, ёшларда тарихий билимни шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун қулай объектив шарт-шароит яратишга хизмат қилиши керак. Ўзбекистон ёшларида тарихий билимни шакллантириш вазифасининг муваффақиятли бажарилиши эса тарихий ҳақиқатни, тарихий адолатни тиклаш учун объектив равишда ажойиб шароит яратиб, ёшларни мамлакатимиз халқлари маънавий хазинасини фаоллик билан тўлдиришга сафарбар этиши лозим.

Қолаверса, учинчи бобда ушбу диссертация мавзуси доирасида тадқиқотчи томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар орқали ёшларда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантиришда таълим жараёнининг аҳамияти ҳам таҳлил қилинади.

Диссертация доирасида кичик ҳажмдаги социологик тадқиқот объекти деб олий таълим ва касб-ҳунар мактаби ўқувчилари олинди (бу жараёнда ўқувчилар ёш даври чегаралари Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ги Қонунига биноан белгилаб олинди)¹³.

Социологик сўровноманинг эмпирик ўзаги ушбу иш доирасида бажарилган социологик сўров тадқиқотларига таяниб тузилди.

Илмий ишимиз мавзуси доирасида олиб борилган тадқиқотларда таълим даргоҳи ўқувчилари (Самарқанд давлат университети Тарих факультети магистрлари, юридик факультети Фалсафа йўналиши талабалари, Тойлоқ туман 1-сон касб-ҳунар мактаби ўқувчилари)дан бўлган 81 киши иштирок этди. Тадқиқот 2020 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Самарқанд шаҳри ва Тойлоқ туманида олиб борилди.

Социологик тадқиқотда талабаларнинг ва таълим муассасалари ўқувчиларининг тарихий онги, тарихий дунёқараши, тарихий хотираси бевосита унинг тарихий билимлилик даражаси билан қай ҳолатда боғлиқлиги, тарихий билимнинг шаклланиши эса жамиятдаги ижтимоий агент (оила, боғча, мактаб, олий ўқув юртлари, ижтимоий тармоқлар, ОАВ)лар фаолияти энг катта таъсир этаётган факторлар эканлигига алоҳида эътибор берилиб, тавсиялар келтирилган.

Эмпирик тадқиқотнинг маълумотларига кўра, респондентнинг 66 фоизи тарих ва тарихшунослик фанлари дарсларидан қониқиш ҳосил қилганлиги, ўқув даргоҳларида тарих фани яхши олиб борилаётганлигини кўрсатади. Анкетада тақдим этилган ёшларда ўз ўтмиши билан фахрланиш туйғусини кучайтириш масаласида дарс жараёнларида кўпроқ гуруҳ билан тарихий обидаларни ўрганишга бориш (38%) ва мутахассислар сифатини

¹³ Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» Қонуни. [Электрон ресурс]: <http://www.lex.uz/docs/3026250>

яхшилаш (38%) кераклиги келтирилган. Шунингдек, иштирокчиларнинг 90%и тарихий билими орқали атрофдагиларнинг тарихий онгига таъсир эта олишини таъкидлайди. Тадқиқотда келтирилган “Одатда, бирор тарихий обидага борганингизда зиёратгоҳни таърифловчи кишини (гид) диққат билан тинглаймиз, лекин дарсда диққат бунчалик тўпланмайди. Сабаби нимада?” – деган саволга 52% иштирокчилар кўргазмалиликда, 29% иштирокчилар образлиликда деб жавоб беришган. Тарих фанини миллий ўзликни англашдаги аҳамияти муҳимлиги (100%) ва тарихимизни ҳолисона ўрганишга халақит берувчи оимлардан бири тарихий манбалар етишмаслиги (23%) ва етук тарихчи оимлар камлиги (18%)ни сўровномада баён этишган.

Миллий тарихий онгни шакллантиришда ОТМлар (25%) фаолияти ва мактаблар (35%) муҳим ўрин тутиши ва тарихий билимни ўзлаштиришдаги асосий муаммоларга тарихий манбалардан кам фойдаланиб, уларни қиёсламаслик (35%) ёки тарихий манбалардан мажбурий (вазифа берилганлиги учун) фойдаланиш (22%) каби жавобларни анкетада келтиришган. Шунингдек, тарихий онг деганда 66% респондентлар “олган тарихий билимларимиз ҳақида тафаккур қилиш” деб изоҳ беришган. Албатта, тарихшунослик музейларига борадиган (82%), архивлардан доимий фойдаланадиган (50%) ва тарихий билим ҳақида тасаввур ва кўникмага эга бўлган ўқувчилар (79%) кишини қувонтиради.

Қолаверса, диссертацияда тадқиқотчининг хулосалари келтирилган, ушбу мавзу бўйича тадқиқотларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

Тарихий билимлар ривожида *шубҳа* тамойилига оид илмий-фалсафий концепцияларни ўрганиш асосида қўйидагича хулосаларга келинди:

